

# БАНК АЖБОРОТИНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№29 (1156), 2018 йил 19 июль

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг АХБОРОТИ

### Шикастланган чет эл валютасидаги банкноталарининг муомалага яроқлилиги ва яроқсизлигини аниқлаш мезонлари

Аҳолидан шикастланган банкноталар билан боғлиқ валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш бўйича келиб тушаётган мурожатлардан келиб чиқиб, чет эл валютасидаги банкноталарининг муомалага яроқлилигини аниқлаш мезонлари куйидагилар этиб белгиланди:

1. Куйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқли ҳисобланади:

- банкнота тасвирини (шаклини)

аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса;

- банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса;

- ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 см<sup>2</sup> дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса;

(Давоми 2-бетда).

## Ҳар жабҳада фаол ёшлар

Бугунги кунда ёшларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаш, уларга барча шароитларни яратиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.



Бу борада банк тизимида ҳам сезиларли ишлар қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, «Туронбанк» АТБ бошқаруви томонидан ходимларнинг, айниқса, ёш кадрларнинг касбий малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида банкнинг республика аппарати ва филиалларидан 60 нафар ёш ходим иқтисодий йўналишдаги институтлар ва молиявий муассасаларга қарашли қайта тайёрлаш курсларида касбий малакаларини ва иқтисодий билимларини оширгани фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 8-бетда).

УШБУ СОНДА:

### Ислохотлар йўлида

Ишсизларга гаров таъминотисиз имтиёзли кредитлар ажратилади.

2-бет.



Қонунчилик  
ЎЗР Марказий  
банкнинг  
янги меъёрий-  
ҳуқуқий  
ҳужжатлари.  
3-6-бетлар.

Дунёга нигоҳ  
Жаҳон молия  
бозоридан  
сўнгги  
хабарлар.  
7-бет.



## «Фуқаролар учун бюджет» китобининг илк наشري Унда нималар акс этган?

Оммавий ахборот воситалари ҳамда расмий тadbирларда «Олий Мажлис бюджетни қабул қилди», «пул бюджетдан ажратилади», деган сўзлар кўп қўлланилади. Ҳўш, «бюджет» ўзи нима, у қандай шакллантирилади ва нималарга сарфланади?



«Фуқаролар учун бюджет» китобида ушбу саволларга аниқ ва халқчил тилда энг муҳим ва фойдали маълумотлар асосида жавоб берилган. Унда, шунингдек, нима учун солиқ тўланади, бюджет маблағларини тақсимлашда давлат ўз зиммасига қандай мажбурият ва кафолатлар олади ҳамда улар қандай ижро этилади, давлат харажатларининг қандай устувор йўналишлари мавжуд ва уларнинг фуқаролар ижтимоий ҳаётига таъсири хусусидаги маълумотлар ҳам батафсил кўрсатилган.

(Давоми 2-бетда).

## FINANCEUZ хабар қилади

### «Ўзсаноатқурилишбанк» ва Россия банклари ўртасидаги стратегик ҳамкорлик

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ республика молия бозорида ўз етакчилигини сақлаб қолиш ҳамда молиявий барқарорлигини янада юксалтириш чора-tadbirlarини фаол давом эттирмоқда.

Айни пайтда банкнинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, HR соҳасида (кадрлар бўйича менежерлик фаолияти) кучайтирилган.

Яқинда муассаса раҳбариятининг «Сбербанк» АЖ ҳамда «Газпромбанк» АЖ (Россия) вакиллари билан олиб борган музокараларида ҳам ушбу йўналиш алоҳида тилга олинди. Хусусан, бугунги кунда нафақат Россия, балки Европада ҳам энг илғор ва етакчи банк конгломератларидан бири ҳисобланган «Сбербанк» АЖ билан айнан HR соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, шу жумладан, унинг корпо-

ратив университетида турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни ўқитиш борасида ўзаро битим имзоланди.

«Газпромбанк» АЖ билан эса мазкур йўналишлардан ташқари давлат-хусусий сектор шерикчилигидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришди.

Бундан ташқари, томонлар ўртасидаги муносабатлар корреспондентлик операциялари, савдо ва экспортни молиялаштириш, жаҳон кредит ва капитал бозорларидаги операциялар, тажриба алмашиш кабиларга қаратилди.

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг  
АХБОРОТИШикастланган чет эл валютасидаги банкноталарнинг муомалага  
яроқлилиги ва яроқсизлигини аниқлаш мезонлари**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

- майда доғлар, ёзувлар, штамп изи (бунда ёзув ёки штамп изи икитадан ошмаган бўлиши лозим) бўлганда ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган бўлса;

- банкнотада диаметри 1 мм дан ошмаган ва икитадан кўп бўлмаган тешиклар бўлса.

2. Куйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқсиз ҳисобланади:

- бўлақларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса;

- дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;

- ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса;

- асосий белгиларидан бирининг 50

фоиздан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса;

- банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса;

- муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;

- банкноталар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалаб кетган бўлса;

- банкнотанинг геометрик ўлчами 3 мм дан ортиққа ўзгарган бўлса.

3. Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийли-

гини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар тўловга яроқсиз деб эътироф этилади ва бундай банкноталар билан валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилмайди.

4. Тижорат банклари куйидагилар тақиқланади:

- шикастланган, лекин муомалага яроқли бўлган банкноталарини айирбошлаш ёки шу турдаги шикастланмаган банкноталарга алмаштириш, майдалаш, йириклаш ҳамда улар билан конверсия операцияларини амалга ошириши рад этиш;

- муомалага яроқсиз банкноталарни инкассога қабул қилишни рад этиш;

- қабул қилинган ёки сотиб олинган шикастланган банкноталарни бошқа операциялар бўйича миқдорларга сотиш ва бериш.

5. Тижорат банклари томонидан

шикастланган ёки инкассога қабул қилинган муомалага яроқсиз банкноталарни хорижий эмитент банкда алмаштириш транспорт (йўл), корреспондент ва/ёки хорижий банкнинг комиссия харажатларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Шунга кўра, юқоридаги операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун тижорат банклари томонидан воситачилик ҳақи ундирилади.

*\* Агар валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишда муаммолар юзага келса, тижорат банкларининг ишонч телефонларига ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматиغا мурожаат қилишингиз тавсия этилади.*

Манба: cbu.uz

Ишсизларга гаров  
таъминотисиз имтиёзли  
кредитлар ажратилади

Президентимизнинг 2018 йил 14 июндаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига жорий йилда 150 млрд. сўм ажратилди.

Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 2019 йилдан бошлаб бюджет параметрларида 300 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш белгиланди.

Мазкур маблағларнинг камида 50 фоизи «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ Халқ банкида кредит линияларини очиш ва кейинчалик мазкур банклар томонидан республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда tutuvchi кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш мақсадида йўналтирилади.

Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фоииз ставкаси, шу жумладан, тижорат банкнинг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi маржа билан тақдим этилади.



Бунда микрокредитлар ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Биринчи марта микрокредит олган яқка тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади.

Қишлоқ туманларида (бундан аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно) сартарошхона, яқка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим текиш, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган яқка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилди.

Ў.А.

«Фуқаролар учун бюджет»  
китобининг илк наشري  
Унда нималар акс этган?**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» медиа марказида ушбу нашр тақдимотида бағишланган матбуот анжуманида иштирокчилар бюджет шаффофлигини таъминлаш ва фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритдилар.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис палатаси йиғилишидаги мурожаатида кенг жамоатчилик учун ахборот очиқлиги, хусусан, давлат бюджетининг шаффофлигини таъминлаш «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилади» деган ҳукумат бош тамойилини ифодалаб беради, дея таъкидлаган эдилар, – дейди **Молия вазир ўринбосари Дилшод Саттаров**. – Қолаверса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид қабул қилинган Давлат дастурида Давлат бюджети даромадлари шаклланиши ва харажатларни амалга оширишнинг шаффофлигини таъминлашда мутлақо янги тамойил ва механизмларни жорий этиш назарда тутилган. «Фуқаролар учун бюджет» китобининг илк наشري ушбу ўртага ташланган муҳим масалалар ижросига қаратилиб, унинг бундан кейин мунтазам



равишда чоп этиб борилиши режалаштирилган.

*Давлат бюджети – бу даромадлар ва харажатлардан таркиб топган мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати (режаси) ҳисобланади.*

*Бюджет даромадлари – бу бюджетга бегараз ва қайтарилмас бўлиб тушувчи пул маблағидир.*

*Бюджет харажатлари – давлат вазифаларини молиявий таъминлашга йўналтирилувчи пул маблағидир.*

– Юртингизда аҳолининг бюджет жараёнида иштирокини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ташқи ҳамжамият учун Ўзбекистонда ислохотлар демократик руҳда олиб борилаётганига аниқ ишора, – дейди БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер хоним. – Мазкур ташаббус билан давлат бюджети оид маълумотларни ошкор этиб, ҳукумат томони-

дан олиб борилаётган сиёсат, олға сурилаётган устувор йўналишлар, давлат дастурлари ва лойиҳаларининг моҳиятини тушуниш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтиришга эришилади.

Анжуманда «Фуқаролар учун бюджет» китобига бағишланган тақдимотга қўшимча равишда давлат бюджетининг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ҳам ахборот берилди.

Қайд этилишича, жорий йилнинг ўтган даврида жами бюджет харажатларнинг 55,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаштиришга сарфланган. Бунда энг кўп маблағ таълим соҳасига йўналтирилган. Маҳаллий бюджет ташкилотларининг мустақиллигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида эса улар даромадлари иккинчи чорак якунлари бўйича кўзланган параметрлардан 842 млрд. сўмга ортиқ бажарилиши таъминланган.

Назира МАВЛОНОВА.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини  
ташkil этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни  
ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 15 май куни  
574-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Бошқарувининг 1993 йил 23 июндаги 76-сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташkil этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 574, 1998 йил 21 декабрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 14 апрель, 14/16-сон

**М.НУРМУРАТОВ**

*Келишилган:*

**Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири**  
2018 йил 14 апрель

**П.БОБОЖОНОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий  
своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2018 йил 4 июнь куни 1839-2-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори (рўйхат рақами 1839, 2008 йил 24 июль)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 293-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель,  
16/6-сон

**М.НУРМУРАТОВ**

## Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:  
иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«валютавий своп операциялари бўйича банк мижозлари (бундан кейинги ўринларда банк мижозлари деб юритилади) - тижорат банкларида чет эл валютасида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган ва қонунчиликка мувофиқ жорий халқаро операцияларни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлардир;»;  
учинчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;  
бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;  
учинчи хатбошидаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;  
ўн биринчи-ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича олтинчи - тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;  
саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«своп битимининг базавий курси - своп битими тузиладиган санадаги спот-курс. Сум ва чет эл валютаси ёки икки чет эл валютаси ўртасидаги своп битимини тузишда своп битимининг базавий курси (spot-курс) томонларнинг ихтиёрига кўра эркин белгиланади.»;  
2. 2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«2. Мазкур Низомга мувофиқ валютавий своп операцияси:  
Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида;  
тижорат банклари ўртасида ўзаро;  
банк мижозлари ва тижорат банклари билан амалга оширилиши мумкин.»;  
3.3-банддан «валюта позицияси тузилишини яхшилаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.  
4. 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«4. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга оширишда чет эл валютаси сифатида уларнинг хохишига кўра исталган чет эл валюталаридан фойдаланилиши мумкин.»;  
5. 5-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«5. Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги, шунингдек, тижорат банкларининг ўзаро валютавий своп операциялари Савдо тизимида тузилади ва бажарилади.»;  
6. 6, 7, 10, 29, 36, 37, 41 ва 47-бандлардаги ҳамда III боб номидаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. 27-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«27. Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги валютавий своп операциялари Марказий банк ва тижорат банки ўртасида валютавий своп операцияларини ўтказиш бўйича тузилган Бош шартномага (бундан кейинги ўринларда Бош шартнома деб юритилади) мувофиқ ўтказилади.  
Бош шартномада қонунчиликда кўзда тутилган бошқа шартлар билан бир қаторда, қуйидагилар кўрсатилиши лозим:  
своп битими тузиладиган икки асбобнинг номи;  
Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида своп битимини амалга оширишнинг мажбурий шартлари;  
Бош шартноманинг амал қилиш муддати.»  
8. 28-бандда:  
биринчи хатбошидаги ва «а» кичик банддаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
«б» кичик банддаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
9. 30-банддаги «ваколатли банкларга» деган сўзлар «тижорат банкларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
10. 34-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«34. Валютавий своп операциялари бўйича харид қилинган чет эл валютаси фақатгина жорий халқаро операциялари бўйича амалга оширилаётган тўловлар учун сарфланиши мумкин.»  
11. 35-бандда:  
биринчи ва учинчи хатбошилардаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги «ваколатли банкларнинг» деган сўзлар «тижорат банкларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
12. 40, 43 ва 44-бандлардаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
13.1-иловада:  
1-бўлимдаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
2-бўлимда:  
«ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
«ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш  
тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 4 июнь куни  
511-10-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда

232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**

*Тошкент ш., 2018 йил 28 апрель,  
16/7-сон*

**М.НУРМУРАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил 28 апрелдаги 16/7-сонли қарорига  
ИЛОВА*

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш  
тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1.1.1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг – резидентлар ва норезидентларнинг талаб қилиб олинадиган хорижий валютадаги депозит ҳисобварақларини (кейинги ўринларда валюта ҳисобварақлари деб юритилади) юритиш қоидаларини белгилаб беради.

Валюта ҳисобварақларини очиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йуриқнома»да (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.»

2. 1.2-бандда «пластик тўлов ва кредит карточкаларидан» деган сўзлар «банк карталаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1.7-банд куйидаги тахрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк мижозлари ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда берилади.»

4. 1.8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1.8. Тижорат банклари омонатчиларга тузилган шартномаларга мувофиқ омонатларни сақланиши ва сўзсиз қайтарилиши бўйича зарур қафолатларни берадилар.»

5. 2.3-банднинг «е» кичик бандида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 3.2-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг иккинчи хатбошида «божхона» ва «ваколатли банк» деган сўзлар тегишлича «божхона органлари» ва «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 4.3-бандда:

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) нақд хорижий валюта;».

8. 4.5-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин: «ҳисобварақ эгаси хориждан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида божхона органларида рўйхатга олинган ёки ҳисобварақ эгаси учун тижорат банки номига қимматли жўнатма сифатида юборилган;»

куйидаги тахрирдаги бешинчи – саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин: «тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган ва берилган;»

банкомат (терминал) чеки асосида ҳисобварақ эгасининг банк картасидан ечилган; тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда топилган; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида банк ҳисобварақидан ечилган.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш  
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 13 июнь куни  
982-3-сон билан давлат рўйхатида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5296-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Раиси

Тошкент ш., 2018 йил 21 апрель,  
15/1-сон

қарори)»ги 1001-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 403-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 982, 2000 йил 4 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 21-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Бошқарувининг

2018 йил 21 апрель 15/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1.3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда  
иккинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 2-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2-боб. Марказий банкнинг банк назорати қўмитаси**

2.1. Марказий банкнинг банк назорати қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат, шунингдек, аудитор малака сертификатларини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

2.2. Қўмитага қуйидаги масалалар бўйича келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш вазифаси юклатилади:

аудиторларга малака сертификатини бериш ёки беришни рад этиш;

аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар реестрига (кейинги ўринларда реестр деб юритилади) киритиш;

рўйхатга олиш маълумотлари ўзгарган ҳолда, реестрга тегишли аниқликлар киритиш;

аудиторларга қўйиладиган малака талабларни ишлаб чиқиш;

аудиторларнинг малака имтиҳонлари ва аттестациясини ўтказиш;

малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиш, тугатиш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

2.3. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари ва мазкур Низомга амал қилади.

2.4. Қўмитага тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқилади.

2.5. Ҳужжатлар қўмитанинг мажлисида кўриб чиқилишидан олдин Марказий банкнинг тегишли бўлинмалари ва қўмитанинг аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади.

2.6. Қўмита зарурат юзага келишига қараб қақрилади ва ўз мажлисларини ўтказилади.

2.7. Ҳужжатлар Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаменти томонидан тайёрланади ва қўмита мажлиси муҳокамасига киритилади.

2.8. Қўмита мажлиси унинг аъзоларининг камидан учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Қўмита қарорлари иштирақ этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул

қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

2.9. Қўмита қарорлари мажлисда қатнашаётган Қўмита аъзолари томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади, Қўмита раиси томонидан имзоланади ва Марказий банкнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.»

3. 3.3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган аудитор малака сертификати (нусахаси олиниб, асли қайтарилди);

олий иқтисодий маълумоти тўғрисидаги диплом (диплом хорижий давлатда олинган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг) ва меҳнат дафтарчаси (нусахалар олиниб, асли қайтарилди);».

4. 3.6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Имтиҳон комиссияси» деган сўзлар «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 3.7-банддаги «имтиҳон комиссиясининг» деган сўзлар «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 3.8 ва 3.9-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3.8. Малака имтиҳонларининг натижалари имтиҳонлар ўтказиш кунда қўмита томонидан даъвогарларга эълон қилинади.

3.9. Малака сертификати имтиҳонни муваффақиятли топширган даъвогарларга 15 кун муддат ичида берилди. Малака сертификатлари давлат реестрига сертификат эгасининг имзоси

қўйдирилган ҳолда малака сертификати берилди.»

7. 3.10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 3.13-банддаги «Комиссия» деган сўз «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 3.16-банддаги «комиссиянинг» деган сўз «Қўмитанинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 6.2-банднинг тўққизинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Комиссияси томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 6.6-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«6.6. Қўмитанинг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.»

12. 7.2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказий банк» деган сўз «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

13. 7.3-банддаги «Марказий банк Комиссияси» деган сўзлар «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 7.5-банддаги «Марказий банкнинг» деган сўзлар «Қўмитанинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

15. 8.13-банддаги «фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш» деган сўзлар «пруденциал назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 1-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк аудити комиссияси раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Молия вазири**

*2018 йил 20 апрель*

**Д. КУЧКАРОВ**

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ**

**«Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 29 июнь кун  
2944-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 6 ноябрдаги «Тижорат банкла-

рида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 26/16-сонли қарори (рўйхат рақами 2944, 2017 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 45-сон, 1120-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Марказий банки Раиси**

*Тошкент ш.,*

*2018 йил 28 апрель, 16/8-сон*

**М.НУРМУРАТОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 29 июнь куни  
3029-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли қарорига мувофиқ,

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш., 2018 йил 28 апрель,  
16/9-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**М.НУРМУРАТОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 2 июль куни  
3031-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 26 май, 19/2-сон

тадбирлари тўғрисида»ги 5296-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**М.НУРМУРАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил 26 майдаги 19/2-сонли қарорига  
ИЛОВА*

**Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тижорат банкларида статистик ҳисоботларни (бундан буён матнда статистик ҳисоботлар деб юритилади) юритиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари учун татбиқ этилади.

2. Тижорат банкларининг статистик ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) қонун ҳужжатларига мувофиқ юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган банк-молия тизими ривожланиши ҳолати ва пул-кредит муносабатларига оид тўлиқ ва объектив маълумотларни шакллантириш мақсадида жорий этилади.

3. Статистик ҳисоботлар тижорат банклари то



монидан мазкур Қоидаларнинг 1-46-иловаларида белгиланган шаклларга мувофиқ тақдим этилади.

## **2-боб. Статистик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш**

4. Статистик ҳисоботлар тижорат банклари раҳбарларининг тегишли буйруғи билан масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан тайёрланади.

Тайёрланган статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда уларнинг ўринбосарлари) ва бош бухгалтерлари томонидан текширилади ва имзоланади.

5. Статистик ҳисоботларда кўрсаткичлар бутун сондан кейин учта рақамгача яхлитланган ҳолда акс эттирилиб, яқуний натижаларнинг тўғрилиги сақланиб қолиниши ҳамда статистик ҳисоботлар ва баланс маълумотларининг ўзаро мувофиқлиги таъминланиши зарур.

6. Статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг Бош банклари томонидан Марказий банкка қуйидаги тартибда:

мазкур Қоидаларнинг 1-31-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, Марказий банкнинг Статистика ва тадқиқотлар департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 32-34-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, Марказий банкнинг Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 35-36-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, Марказий банкнинг Амалиёт департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 37-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ, Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 4-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 38-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ, Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ҳафтанинг душанба куни;

мазкур Қоидаларнинг 39-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ, Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 40-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ, Марказий банкнинг Монетар операциялар департаментига ҳар ўн тўрт кунда;

мазкур Қоидаларнинг 41-46-иловаларида кел-

тирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тақдим этилади.

7. Статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг филиаллари томонидан Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаларига (бундан буён матнда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари деб юритилади) қуйидаги тартибда:

мазкур Қоидаларнинг 1, 2, 4, 5, 7-18, 20, 21, 23-34-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 41-43 ва 46-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ, ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тақдим этилади.

8. Агар статистик ҳисоботларни юбориш куни дам олиш кунига тўғри келса, статистик ҳисоботлар дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига юборилади.

9. Статистик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда статистик ҳисоботларни автоматик равишда шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда тегишли дастурий таъминотлар жорий қилиниши мумкин.

Тижорат банкларида дастурий таъминотлар воситасида шакллантириладиган статистик ҳисоботлар бўйича маълумотларнинг электрон тизимларга тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритиб борилиши учун тижорат банклари раҳбарларининг тегишли буйруғи билан масъул таркибий бўлинмалар ва ходимлар белгиланади.

10. Тижорат банкларининг раҳбарлари:

статистик ҳисоботларнинг тўғри, ҳаққоний ва тўлиқ шакллантирилишини ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этилишини;

дастурий таъминотлар воситасида шакллантириладиган статистик ҳисоботлар бўйича маълумотларнинг электрон тизимларга тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритиб борилишини назорат қиладилар.

11. Тижорат банклари ўз эҳтиёжлари учун мазкур Қоидаларнинг иловасида кўзда тутилмаган статистик ҳисобот шакллари мустақил равишда ишлаб чиқишлари ва жорий этишлари мумкин.

## **3-боб. Статистик ҳисоботларни текшириш, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш**

12. Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари:

статистик ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлиқ

тақдим этилишини мунтазам равишда назорат қиладилар;

статистик ҳисоботларни тузиш юзасидан тижорат банкларига тегишли тушунтиришлар ва амалий ёрдам берадилар;

статистик ҳисоботларни тузиш муддатлари ва тартиби бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, уларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрадилар.

13. Статистик ҳисоботлар Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан тегишли кўрсаткичларни баланс ҳамда бошқа статистик ҳисоботлар маълумотлари билан солиштириш, олдинги саналардаги статистик ҳисоботлар кўрсаткичлари билан таҳлилий ва мантиқий таққослаш орқали текширилади.

14. Статистик ҳисоботларда Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган ҳолатларда тегишлилиги бўйича тижорат банкларига мазкур хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилади ҳамда тузатилган статистик ҳисоботларнинг тақдим этилиши назоратга олинади.

15. Статистик ҳисоботлар тақдим қилингандан

сўнг ушбу статистик ҳисоботларни шакллантирган тижорат банклари томонидан хато ва камчиликлар аниқланган ҳолатларда тегишлилиги бўйича Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари бу ҳақда дарҳол хабардор қилинади.

16. Статистик ҳисоботлардаги хато ва камчиликлар тижорат банклари томонидан бартараф этилади ҳамда тузатилган статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда уларнинг ўринбосарлари) ва бош бухгалтерлари томонидан текширилади ва имзоланади.

17. Тузатилган статистик ҳисоботлар тегишлилиги бўйича Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари тақдим этилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Статистик ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва уларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик тижорат банклари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

19. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитаси Раиси**  
*2018 йил 25 май*

**Б. БЕГАЛОВ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини,  
шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 2 июль куни  
680-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 20 февралда 386-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидалари (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 21 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 386-1-сонли қарори (рўйхат рақами 680-1, 2002 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 19-сон).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки Раиси**  
*Тошкент ш.,  
2018 йил 26 май, 19/3-сон*

**М. НУРМУРАТОВ**

## ДУНЁГА НИГОҲ



## Ҳиндистон ЕТТБ акциядорлари сафида

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) берган маълумотларга кўра, Ҳиндистон ушбу халқаро молия муассасаси акциядорлари сафидан ўрин олди.

Бу ўз навбатида, ЕТТБга аъзо мамлакатлар ҳудудида ҳинд компанияларининг ҳам қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкони беради.

Ҳиндистон ҳукумати ЕТТБга аъзо бўлишни сўраб 2017 йил декабрда ариза ёзган эди. Ушбу мурожаат жорий йилнинг март ойида инвестициявий механизмлар бошқарув

кенгаши томонидан маъқулланди.

ЕТТБ Президенти Сума Чакарбарти ҳам Ҳиндистоннинг ташкилотга аъзо бўлиш ниятини илқ қабул қилди.

Ҳиндистон ЕТТБнинг акциядори-дир, бироқ ундан молиялаштирилмайди, дейилади пресс маълумотномада.

Илгари ЕТТБ етакчи ҳинд компаниялари, жумладан Tata, Jindal, Mahindra and Mahindra кабилар билан биргаликда умумий қиймати 1 млрд. евролик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширган эди.

ЕТТБнинг жами акциядорлари 69 та бўлиб, уларнинг 67 таси мамлакат ва 2 таси халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа Иттифоқи ва Европа инвестициявий банки ҳисобланади.

## «Alipay» ёки «WeChat Pay»дан тўловни қабул қиласизми?

2021 йилга келиб Хитойда электрон тўловларнинг ҳажми 4 баробар ошиб, 300 трлн. юанга етади.



Бу борада Швеция, Германия, Буюк Британия сингари давлатларнинг тажрибаси ўрганилмоқда. Яқин келажақда Хитой электрон тўловлар тармоғи ривожланаётган энг етакчи давлатлардан бирига айланиши мумкин. Боиси, мамлакатда мобиль тўловлар жадаллик билан ўсиб бормоқда, айниқса, QR-код орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи мобиль иловалар кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Сўнгги йилларда дўконларда «Кредит карталарини қабул қиласизми?» деган саволнинг ўрнига «Alipay» ёки «WeChat Pay»ни қабул қиласизми?» саволи тез-тез учраб турибди.

Hillhouse Capital Group тақдим этган маълумотларга кўра, Хитойда мобиль тўловлар ҳажми 2016 йилда бир неча баробар ўсган ва 5 трлн. АҚШ долларига етган.

Tencent технологик компанияси томонидан ишлаб чиқилган «WeChat» мессенжеридан фойдаланувчилар

сони бир ойда қарийб 963 млн.тага кўпайди. «Alibaba»нинг шўъба корхонаси ҳисобланмиш «Ant Financial Services»га тегишли «Alipay»дан эса 520 млн. нафар инсон фойдаланмоқда.

Мақсуд илова «Yu'e bao» пул бозори фонди билан боғлиқ бўлиб, фойдаланувчиларга «Alipay» пуллари ёрдамида сармога киритади. Имтиёзли фоиз ставкалари (4 ва ундан кўпроқ) «Yu'e bao»ни жаҳон пул бозорининг энг йирик жамғармасига айлантирди. Унинг бошқарувидаги активлар ҳажми 2017 йил ўртасига келиб 1,43 трлн. юан (217 млрд. доллар)га тенг бўлди.

Гонконгнинг инвестициявий тадқиқот компанияси ҳисобланмиш CLSA башоратига кўра, 2021 йилга бориб Хитойда электрон тўловлар ҳажми 4 баробар ортади ва 300 трлн. юанга етиши мумкин. Бу давр мобайнида бошқарувдаги онлайн активлар 3 баробар ўсиб, 6,7 трлн. юанга, онлайн кредитлар ҳажми ҳам 3 баробар ортади ҳолда 3,5 трлн. юанга етиши кутилмоқда.

## Чакана банк хизматларининг жаҳон бозоридаги ўрни

2021 йилга қадар жаҳон бўйича амалга оширилган чакана банк хизматларидан олинadиган даромадлар ҳажми йилига 5,3 фоиз ортиши ва тахминан 2,54 трлн. АҚШ долларига етиши мумкин.



The Boston Consulting Group (BCG) томонидан тайёрланган янги ҳисоботга кўра, чакана банклар нафақат юқори технологияларни жорий этишга мажбур, балки тобора ўсиб бораётган мижозларнинг талаби ва кескин мувофиқлаштирувчи тартибларга мос ишлашига тўғри келади.

Келажақда мустақам ўринни эгаллаш учун улардан маҳсулот ва хизматларни персоналлаштириш бўйича янада кўп куч-ғайрат талаб этилади. Бу ҳақда «Персоналлаштириш кучи: 2018 йилда чакана банк хизматларининг глобал бозори» мавзусида тайёрланган ҳисоботда алоҳида сўз борган.

Жаҳон бўйича амалга оширилган банк хизматларидан олинган жами даромаднинг қарийб ярми чакана банк хизматида тегишли эканлиги

аниқланди. Бундан ташқари, корпоратив банк хизматлари ва активларни бошқариш, инвестициявий банкинг, хусусий савдо амалиётлари ва банк сўғурталари каби хизматлар ҳам катта қисмини ташкил қилган.

Бу ҳолат 2021 йилга қадар деярли ўзгариши даргумон. BCG ҳисобига кўра, ушбу давр мобайнида чакана банк хизматларидан олинadиган даромад йилига 5,3 фоиз ортиши мумкин ва 2,54 трлн. долларга етади. Агар ялпи ўртача йиллик ўсиш суръати ўзгармаса, келгуси 10 йил давомида мақсуд тармоқ ривожланади. Гарчи банк соҳасидаги айрим тартиблар аввало рақамли технологияга ўтказилса-да, барча ҳудуд ва бозорда ҳам чакана банк хизматлари долзарблигича қолаверади.

## Нақд пулсиз тўловлар оммалашган мамлакатлар

«ForexBonuses» мутахассислари нақд пулсиз тўловлар ривожланаётган мамлакатлар бўйича тадқиқот ўтказди.

Apple Pay, Google Wallet, Venmo, PayPal ва Square тўлов тизимлари юзгага келиши билан смартфонлар ҳам ҳамён вазифасини ўтай бошлади.

«ForexBonuses» таҳлилчилари ўз тадқиқотларида дунёнинг йирик 20 та мамлакатини ўрганди. Улардан 10 тасини алоҳида ажратиб, бошқаларга нисбатан эрта нақд пулсиз тизимга ўтишини аниқлади.

Мутахассислар мамлакатларни қуйидаги асосий олти йўналиш бўйича баҳолади:

- аҳоли жонбошига тўғри келувчи кредит ва дебет карталарининг сони;
- мунтазам фойдаланиладиган карталар ва шунчаки ҳамёнда жойлаштирилган карталар ўртасидаги нисбат;
- сўнгги беш йил мобайнида нақд пулсиз амалиётларнинг ортиш даражаси;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

бўйича тўлов амалиётларидан олинadиган фоиз;

- мобиль тўлов тизими ҳақида хабардор инсонлар фоизи;
- нақд пулсиз тўловлар ҳажми.

Нақд пулсиз тўловлар тизими ривожланаётган 10 та мамлакатнинг кучли учталигидан Канада, Швеция, Буюк Британия ўрин олди.

Масалан, Канадада тўловларнинг 57 фоизи нақд пулсиз амалга оширилган, сўнгги беш йил ичида бундай тўловлар ҳажми 16 фоиз ортган. 39 фоиз канадаликлар мобиль тўлов тизимларидан хабардор.

Иккинчи ўриндаги Швецияда эса 59 фоиз тўловлар нақд пулсиз амалга оширилган бўлса, электрон тўловлар ҳажми кейинги беш йил мобайнида 13 фоиз ўсган. 47 фоиз шведияликлар мобиль тўлов тизимидан хабардор.

Учинчи поғонада бўлган Буюк Британияда нақд пулсиз тўловлар 52 фоизни, сўнгги беш йилдаги ўсиш 15 фоизни, аҳолисининг мобиль тўлов тизими ҳақида хабардорлиги 47 фоизни ташкил этди.

Биринчи учликдан кейинги поғоналарни Франция, АҚШ, Хитой, Австралия, Германия, Япония ва Россия эгаллади.

**FINANCEUZ** хабар қилади

## Ўзмилийбанк қорақалпоғистонлик тадбиркорларга 297,3 млрд. сўмлик кредит ажратди

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича Ўзмилийбанк томонидан умумий қиймати 358,8 млрд. сўм бўлган лойиҳалар учун 297,3 млрд. сўм ҳажмида кредит маблағлари ажратилди.



Амалга оширилган лойиҳаларни тармоқлар бўйича тақсимлаб, санаот соҳасида 48 та (146,9 млрд. сўм), қишлоқ хўжалигида 85 та (47,1 млрд. сўм), хизмат кўрсатиш йўналишида 168 та (103,3 млрд. сўм) бизнес-режа минтақадаги шахар ва туманлар фаровонлигини таъминлаш, хусусан, 1 534 нафар йигит-қизнинг муқим иш ўрнига эга бўлишига ҳисса қўшганлигини қайд этиш жоиз.

Хусусан, ўтган йилнинг биринчи чорағида Ўзмилийбанкнинг Қорақалпоғистон

бўлими томонидан жалб қилинган сармоя ҳисобига «М-Ғулом» МЧЖ фаолияти кенгайтирилиб, корхонада йилга 470 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга эришилди. Бунда банк кредит маблағлари Хитой давлатидан беш камерали музлаткич омборхонасига тегишли бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга сарфланган. Умумий қиймати 395,3 минг АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳа келгусида 470 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини музлаткичли омборхонада сақлаб, улар-

ни хориж бозорларига сифатли етказиб беришга хизмат қилади.

Ўзмилийбанк «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган мазкур лойиҳани молиялаштириш учун Осие Тараққиёт банки кредит линиясини жалб қилди. Маблағлар 198,5 доллар миқдорида 5 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5,8 фоиз устама тўлаш шарти асосида тақдим қилинди.

## Бельгия дастгоҳларида ипак гиламлар тўқилади

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб, ипак гиламлар тўқилади, дея маълум қилмоқда «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг матбуот хизмати.

Бунга сабаб Бельгиянинг дунёга машҳур VANDEWIELE компанияси билан тузилган келишув, деб айтиш мумкин.

«Биз мазкур компаниянинг ипак гиламлар тўқиш дастгоҳларини юртимиздаги пиллани қайта ишлаш корхоналарига ўрнатмоқчимиз. Бу жиҳозларда Европа стандартлари асосида ипак гиламлар тўқишни кенгайтириб борамиз. Келаси йилдан «Made in Uzbekistan» ёрлиғи билан рақобатбардош ипак гиламлари экспорт қилинади. Айни вақтда бу йўналишни бошлаш учун бизда етарли миқдорда ипак хомашёси мавжуд», дейди «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Шарипов.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур уюш-



ма бир қатор инновацияларни амалиётга жорий этмоқда. Хусусан, тут баргидан чой, пилла гумбагидан ёғ олиш усуллари шулар сирасидандир.

ЎЗА.

## Ҳар жабҳада фаол ёшлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ишларнинг узвий давоми сифатида яқинда пойтахтимизда «Туронбанк» АТБ томонидан «Тизимда ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш» мавзусида 90 ортиқ ёш ходимлар учун икки кунлик семинар ташкил этилди. Ушбу семинар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, банк тизимида ходимларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий, касбий малакасини оширишга қаратилган тадбирларда олиму ёзувчилар, шоирлар, эл ардоғидаги санъаткорларни жалб этиш одат тусига кирган. Семинарнинг дастлабки кунги учрашувида ҳам ёшлар ана шундай сермазмун анжуманнинг гувоҳи бўлишди.



Тадбирни банк бошқаруви раиси Ч. Мирзаев очиб, тизимда ҳар жабҳада фаол, ўз меҳнати билан ўрناق бўлаётган, турли танловларда ғолибликни қўлга киритган ёшларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари бўлиши – ёшларга келгуси фаолияти учун зарур маслаҳатларни бериб, уларга муваффақиятлар тилади.

Учрашув давомида эл суйган санъаткор, Халқ артисти Озодбек Назарбековнинг жонли ижроси барчани мафтур этган бўлса, «Саодат» журнали Бош муҳаррири Мунаввархон Усмоновнинг дилбар шеърлари иштирокчиларни хушнуд этди. Устоз санъаткор Ёқуб Аҳмедовнинг чиқиши ҳам ёшларда ўзгача таассурот қолдириб, улар ўртасида қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Семинар давомида банк раҳбарияти ва ёш кадрлар ўртасида очиқ мулоқот ҳамда малака ошириш соатлари ташкил этилгани, ёшлар учун айна мудоао бўлди. Шунингдек, иштирокчилар икки кун мобайнида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириб, қадим масканларни зиёрат қилишди.

– Бундай сермазмун семинар ташкил этилганидан бағоят миннатдорمиз, – дейди «Туронбанк» АТБ Самарқанд филиали пул муомаласи ва пластик қарточкалар бўлими етакчи мутахассиси Маъруф Тиркашев. – Чунки тенгдошларимизнинг кўпчилиги иш, уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлиб, саёҳатга чиқишга имкони бўлмайди. Бу учрашувлар эса бизнинг ҳам дам олишимиз, ҳам малакамиз ошишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, бошқа ҳудудларда иш юритаётган тенгдошларимиз билан яқиндан танишиб, фикр алмашиш имконини берди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Газета тахририятнинг  
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиғи билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 789.

Адади 3529 нуска.

Нархи шартнома асосида

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 18.07.2018 й., 9.00

1 2 3 4 5 6